



4.900.000

ТОННА ТАЙЁР!

ЯША, АЗАМАТ ПАХТАКОР! УЛКАН ЗАФАРИНГ МУБОРАК!

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ХАКИКАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА
МЕХНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

20 ИЛ ЧИҚИШИ.
№ 229 (4945).

21 ноябрь, 1973 йил

ЧОРШАНБА

Баҳоси 2 тийин.

СОВЕТ КИШИЛАРИ ЎЗБЕКИСТОННИНГ МЕХНАТЧИЛАРИГА БАҲО БЕРАЕТГАНЛАРИДА УНИНГ СЕРГАЙРАТ ВА МОҲИР ПАХТАКОРЛАРИНИ ҲАР ДОИМ ЯХШИ СУЗЛАР БИЛАН ЭСГА ОЛАДИЛАР. МУЛ ҲОСИЛ ЕТИШТИРИБ, УНИ ТЕРИБ ОЛИШ УЧУН ПАХТАКОР НАҚАДАР ҚАТТИҚ МЕХНАТ ҚИЛАЕТГАНЛИГИНИ, ЎЗ ИШИГА НЕЧОҒЛИК ҚУП МЕХР ҚУЙГАНЛИГИНИ БИЛАМИЗ.

Л. И. БРЕЖНЕВ.

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИГА ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИГА ЎЗБЕКИСТОН ССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИГА

КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми, СССР Министрлар Совети Ўзбекистон колхозчиларини, совхозларининг ишчиларини, механизаторларини, қишлоқ хўжалиги ва сув хўжалиги мутахассисларини, олимларини, қишлоқ хўжалиги ва тайёрлов органларининг ходимларини, шаҳарларининг меҳнаткашларини, ўқув юртларининг коллективларини, партия, совет, касаба союз, комсомол ходимларини — пахта учун курашда актив қатнашган кишиларнинг ҳаммасини меҳнатдаги катта ғалаба — социалистик мажбурият бажарилиб, давлатга 4 миллион 900 минг тонна пахта сотилганлиги билан қизгин табриқлайди.

Давлатга биринчи марта бу қадар кўп миқдорда пахта сотилганлиги республиканинг КПСС XXIV

съездининг мамлакат қишлоқ хўжалигини ривожлантириш ва совет халқининг фаровонлигини юксалтириш соҳасидаги директиваларини муваффақиятли равишда бажариш ишига қўшган катта ҳиссасидир.

Эришилган муваффақиятлар Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги ва сув хўжалиги ходимлари ҳамда барча меҳнаткашлари қилган фидокорона меҳнатнинг, республика партия, совет, касаба союз ва комсомол ташкилотлари ҳамда хўжалик органлари олиб борган катта ташкилотчилик ва сиёсий ишларнинг натижаси бўлди.

КПСС МАРКАЗИЙ
КОМИТЕТИ

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ
ПРЕЗИДИУМИ

СССР МИНИСТРЛАР
СОВЕТИ

ЎЗБЕКИСТОН ПАХТАКОРЛАРИНИНГ КАТТА ҒАЛАБАСИ

Ўзбекистон ССР қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари КПСС XXIV съезди қарорларини амалга ошира бориб, бу йил пахта етиштиришда кўпайтиришда янги катта муваффақиятларга эришдилар.

Мамлакат пахтакор республикалари активининг КПСС Марказий Комитети Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежнев иштирокида сентябрь ойида Тошкентда бўлиб ўтган йилги йилда ана шу республикалар колхоз ва совхозларининг давлатга 7 миллион 520 минг тонна пахта сотиш юзасидан олган мажбуриятлари маъқулланган эди. Ана шу қимматли хомашёнинг 4 миллион 650 минг тоннасини Ўзбекистон пахтакорлари тайёрлаш мажбуриятини олдилар. Улар ўз ваъдаларига шараф билан вафо қилдилар. Шу йил 20 ноябргача давлатга 4 миллион 900 минг тонна, яъни халқ хўжалик планида белгиланганидан 455 минг тонна кўп пахта сотилди. Андижон областининг колхоз ва совхозлари давлатга 588 минг тонна, Сирдарё области 563 минг тонна, Фарғона области 552 минг тонна, Самарқанд области 486 минг тонна, Сурхондарё области 440 минг тонна, Наманган области 423 минг тонна, Тошкент области 417 минг тонна, Бухоро области

400 минг тонна, Хоразм области 379 минг тонна, Қорақалпоғистон АССР 335 минг тонна, Қашқадарё области 317 минг тонна пахта сотдилар. Республикада бу қадар кўп миқдорда пахта биринчи марта тайёрланди. Ҳосилнинг 90 проценти биринчи навларга топширилди. Пахта териш ва тайёрлаш давом этмоқда.

Гектар бошига 29,1 центнердан пахта олинди. Республикадаги 46 район хўжаликлари, Андижон, Наманган, Сурхондарё, Хоразм областлари умуман гектар бошига пахта ҳосилини 30-центнердан ошириб, 16 район эса 35 — 40 центнердан ҳосил кутарди.

Механизация даражаси ошганлиги етиштирилган пахта ҳосилини ўз вақтида териб олишга қўмаклашди. Бу йил пахта териш машиналарида 2 миллион 682 минг тонна ёки бутун ҳосилнинг 55 проценти терилди. Сирдарё, Тошкент ва Наманган областларининг механизаторлари ҳосилнинг 60 процентдан кўпрогини пахта териш машиналарида териб бердилар. Республикадаги кўпгина колхоз ва совхозлар ҳосилнинг деярли ҳаммасини машинада, қўл меҳнати ишлатмай териб олдилар.

Ерларни мелiorациялаш, қишлоқ хўжалик ишлаб чи-

КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми ва СССР Министрлар Совети ишонч билдириб айтадиларки, Ўзбекистон ССР қишлоқ хўжалигининг меҳнатчилари ўзларининг фидокорона меҳнатлари билан деҳқончиликда янги-янги муваффақиятларга эришадилар, чорвачиликни жадал ривожлантириш учун курашни қизитиб юборадилар ҳамда қишлоқ хўжалигининг ҳамма маҳсулотларини етиштириш ва давлатга сотиш беш йиллик плани топириқларини шараф билан бажарадилар.

ДАЛА ГВАРДИЯЧИЛАРИ



Турсуной ОХУНОВА.

Чиноз районидagi

Киров номи колхоз-

нинг эллик центнерчи

бригадаси бошлиғи,

Социалистик Меҳнат

Қаҳрамони, Ленин му-

кофоти лауреати,

машхур механизатор.

М. ЧИНПЪЛАНОВ.

Бу йилги мавсумда

гайрат ва шижоат кўр-

сатди. Оқдўғондаги

«Озод» колхозининг

ишчан механизатори

200 тонна пахта тер-

ди.



Мария КОВАЛЕВА.

Бўка районидagi

«Бўка» совхозининг

юқори ҳосилли брига-

даси бошлиғи, доғдир

механизатор.



Ғайбулла ЖУРАЕВ.

Оқдўғон районидagi

ги Куйбишев номи

колхозининг пешқадам

механизатори. У бу

йил ўз агрегати билан

100 тоннадан ошириб

«оқ олтин» терди.



Бугунги кунда пахта тайёрлаш пунктларида «оқ олтин» дан барпо этилган олтин бунтлар савлат тўкиб турипти. Суратда: «Ўзбекистон ССР бешиллиги» совхози пахта пункти.

А. Абалин фотолари.

ОБЛАСТИМИЗ ЗАРШУНОСЛАРИ ЭЛ ХИРМОНИГА 417.000 ТОННАДАН ОРТИҚ „ОҚ ОЛТИНИ“ БИЛАН ҲИССА ҚУШДИЛАР

СИЗГА ОЛҚИШ, ШАРАФ ВА ШОН, ПАХТАКОР!



Бўка районидagi «Кўкорол» совхозининг механизаторлари келгуси йил мўл ҳосилига пухта зами яратишни кучайтириб юборишди. Ишни икки сменада ташкил қилиб, кунига 150 гектар ерни шудгор қилишмоқда. Суратда: (ўнгда) бош агроном Б. Пайшанов, тракторчилардан Н. Мамасолиев, И. Искандаров, С. Шарипов, Ф. Муқаддимов ўрқоқлар, (чапда) шудгорлаш пайти.

А. Туроев фотолари.

ДЕҲҚОН ТОНГГИ

Кўз кўёни чарчаб турибди. Ўзининг йили ёни уфқга туташ пахтазор. Терим мавсуми охиридаги бормоқда. Поёнида пахтазорларнинг юзи ериллаб қолган. Ленин шунга қарамай, бу поёнида дала бағрида ҳали ҳам қанчадан-қанча жавоҳир «этэгингга сиққунча ол» дегандек кўз қамаштиради. Ошпоқ чанокларга боқиб кўзнинг қувнади. Ошпоқ, Гўё чанокларга тонгни юлиб жойлаштириб қўйгандай ошпоқ. Қайратлиб қараркансиз, беҳтёр уш яратган деҳқонларга тасанно ўқисан. Деҳқон чанокларда тонг партиясини бунёд этгунга қадар ошпоқ меҳнат сарфлабди? Деҳқон манглай теридан бунёд бўлган пахтага меҳр билан боқиб шундай дегим келди:

Етилгунча толанг янглиг тодирасан,
Чаногингга тонгни юлиб олдираман.
Сўнгра тонгдек бутун дунё элини кучиб қолдираман.

Дарҳақиқат, бутун кўзга аниқ шу дур гавҳар пахтамох тўфайли эли-юртимиз номин тилларда достон. Эли-юртимиз номини достон этишда мана шу дала шунорларининг ҳам мунислиги улуғлиқ бор. Улар план ва оширилган мажбуриятларини шараф билан адо этишлар. Бу «оқ олтин» бунёдкорлари Янгйўл районидан Искандаров номли колхоз меҳнатқилларидир.

Биз колхоз раиси Кўкорол Бойматбаев билан учрашганимизда у бу йилги ҳосилдан мамнун бўлиб сўзлади.

— Колхозчиларимиз, — деди Кўкорол ака, — бу йил ҳар қачонгидан ҳам жонбозлик кўрсатиб

меҳнат қилдилар. Матикада гўзалларнинг бўлиқ ва сарҳисин бўлишига эришдик. Ўғим-теримини ҳам ушқоқлик билан ўтказдик. Ҳар ўн кунда илгор теримини ва терим машинаси ҳайдовчилари рағбатлантирилиб турилди. Албатта, механизаторларимизнинг хизматини алоҳида таъкидлаш керак. Азаматлар оғиримизни енгил қилди. Ҳосилимизнинг 80 фоизини «зангори кема» капи таялари йиғиб беришди. Бригадалар иш эса, ҳар беш кунда янгуланиб, терим суръатини намунали ўтказган илгор бригадаларга колхоз Қизил байроғи ҳамда 50

ЛАВҲА

сўм пул мукофоти бериб борилди. Бундан ташқари, биринчи бўлиб халқ хўжалиги планини бажарган бригадаларга топишган пахтасининг ҳар бир тоннасига бир сўмдан, иккинчи ўринда байкарган бригадаларга етмиш тийиндан, учинчи бўлиб бажарган бригадаларга йирик тийиндан пул мукофоти ажратилган. Колхозимизнинг ўтган йилги совридорини Алимбой Абзамов дошлиқ бригада аъзолари бу йил ҳам маррага боришни бўлиб етди келдилар.

Чиндан ҳам терим сўйсани Янғйўл. Пахтакорлар бир гримм ҳам ҳосилини ноқуд қилмай йиғиштириб олишга, манглай теридан вужудга келган жавоҳирни тупроққа қоритишмасликка, мажбуриятини шараф билан бажаришга бутун куч ва ғайратларини қаратдилар. Айниқса, Алимбой Абзамов бош-

лиқ бригада аъзолари жонбозлик кўрсатиб ишладилар. Улар 144 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 25 ярим ўринга 23 центнердан ҳосил кўтардилар. Шунингдек, Рамаз Остонов ва Пўлдош Ашурбоев бошлиқ бригадалар ҳам планни ортда қолдириб, янги марраларни эгаллашди.

План бўйича ҳосилнинг 1700 тоннаси машиналар ёрдамида териб олиниши лозим эди. Толмас билан механизаторлар бу кўрсаткични 1950 тоннага етказишди. Бу ўринда област Совети депутати Холмат Эгамовнинг хизматини алоҳида уқдириб ўтиш керак. У ўз машинаси бункеридан қариб 200 тонна «оқ олтин» тўқиди. Шунингдек, Саидаббар Ашурбоев, Ислом Жўраевлар ҳам 150 тоннадан ошириб пахта териб, ўз хўжаликлари хирмонига муносиб ҳисса қўшишди.

Ўзининг икки ёни уфқга туташ пахтазор. Гўё дала учмоқчи бўлиб турган оққунга ўхшайди. Ҳа, у учди. Дунё бўйлаб учди. Деҳқонлар қалбини оламга кўз-кўз қилди.

Шовуллайди пахтазор, Деҳқон қалби қафтида. Пахтазорнинг акси бор Кўк гумбазида шифтида.

Сомон йўли юлдузлари пахтазорга тўқилди қолгандай. Пул, пахтазор деҳқон меҳри билан жидоланган тонгдир. Деҳқон тонги. Чаноклардан нур ёйлади. Ана шу нурлардан ўлкам мунаввар.

Отган бугун деҳқон тонги: Терим куйи ажида. Чаноклардан зафар бонги Пахтазорнинг мавжиди.

Эргаш МУҲАМЕДОВ.

Меливой Бегалиев Янгйўл районидан «Ленин» колхозининг пешқадам тракторчиси.

У машина билан пахта териш нормасини бажариб, эндиликда эндиан бўшаган ерларни шудгор қилмоқда. Кунига 8—10 гектар ерни ҳайдаб, топишриқни ошиғи билан адо этаётир. Суратда: М. Бегалиев.

О. Қозоқбоев фотоси.



Ўрқоқ Т. Сувонов Бекобод районидан Ленин номли колхознинг пешқадам механизаторларидан биридир. У мавсум терим нормасини ортиги билан бажариб, илгорликни эгаллади. Суратда: Т. Сувонов.

С. Остонов фотоси.



Қишлоқ механизаторларига тухфа

ТОШКЕНТ. Калитлар, исканалар, болға — «Ташхиссельмаш» заводи слесарлик — монтаж қилиш асбоблари тўпланган халтача ишлаб чиқара бошладилар, бу асбоблар орасида қишлоқ механизаторига нимаи-

ки керак бўлса, бариси топилади. Корхона байрам арафасида ўз буюртмачиларига ана шундай наборлардан қирқ минг сўмликдан қўпроқ асбоб жўнатди.

ДЕҲҚОН БУЛСАНГ ШУДГОР ҚИЛ

ОБЛАСТЬ РАЙОНЛАРИДА КЎЗГИ ШУДГОРЛАШНИНГ БОРИШИ ТЎҒРИСИДА 1973 ЙИЛ 20 НОЯБРАГА БЎЛГАН МАЪЛУМОТ

(планга) нисбатан процент ҳисобда)	ҳисоб
Калитлар	98,0
Орқоникмиде	96,2
Юқори Чирчиқ	93,4
Оққўрғон	90,4
Янгйўл	82,6
Ўрта Чирчиқ	74,6
Бўстонлиқ	73,0
Чиноз	71,4
Бўка	69,3
Пискент	66,0
Бекобод	64,8
Оҳангарон	62,3
Область бўйича	82,5

Бизнинг Свердлов номли колхоз аъзолари тўққизинчи беш йилнинг учинчи зарибон йилида ўз зиммаларига олган мажбуриятларини муддатдан илгари бажарганликлари ва республикамизнинг улкан хирмонига баракали ҳисса қўшганиларидан бениҳоя хурсандимиз. Пландан ташқари давлатга 1000 тоннага яқин пахта сотишди, 1600 гектар ернинг ҳар гектаридан ўтган йилга нисбатан 6 центнердан кўп ҳосил олиди.

Пахтачилликда бундай катта муваффақиятларга эришишимизнинг асосий сабабларидан бири механизацияга таяниб иш қўраётганимиздир. Ўтган йили ҳар бир машина билан бутун мавсум давомида 57 тоннадан пахта терилган бўлса, бу йил хўжаликдаги мавжуд 32 та терим машинасининг ҳар бири билан мавжуд 95 тоннадан пахта терилди.

Механизациядан унумли фойдаланганимизга тўғайли 18 октябр куниде давлатга 3650 тонна пахта сотиб, халқ хўжалиги планини ошириб бажардик.

Бу йил йилгитеримини қисқа муддатда ва тез суръатлар билан ўтказишимизга эрта кўнмадми ишнинг пухта ташкил қилиш ва чигини гербицид сепатига сепкалар билан экиннинг жуда катта

СЕРМАЗМУН ЙИЛ

самара берди. Бундай саялалар сони 15 тага етказилди. Холбуки, ўтган йил уларнинг сони 5 та эди. Бунинг натижасида Гўё ниҳоллари унинг чиндан дастлабки кунлардан оқибат ривожланди. Кетма-кет оқилантириш, қондириб сугориш ва гўзалари бегона ўтлар босишига йўл қўймаслик тўғрисида бажаришда мўл ҳосил етиштирилди.

Шу йил август ойида район партия комитети бюроси гўё парваринини кучайтириш тўғрисида махсус қарор чиқарди. Биз бу қарорга жавобан август ойида гўё парварининг алоҳида эълбор бердик. Барча бригада бошлиқлари, механизаторлар, сувчилар ўз ўринларидан бўлдилар. Шунинг учун, ҳам 20 августдаёқ кўпгина далаларда пахта қийғос очила бошладилар.

Гўзалар яхши етилганлиги учун биз дефолиацияни бир мартагина ўтказдик. Гўзаларини дефолиация қилиш 10 кун ичида тугалланди.

15 сентябрга келиб барча далалардаги пахта бир текис очилди. Ўтган 2 йил давомида колхоз машинада пахта териш планини бажара олмай келгандикини ҳисобга олиб, терим машиналарининг сифатли ремонт қилиниши алоҳида эълбор берилди. 32 та терим машинасининг ҳар бири кайта-кайта қўридан ўтказилди. Шу жумладан 9 та машина ливинида сотиб олинди. Бунинг натижасида машина терими бошланган дастлабки кунлардаёқ ҳар кун 6 процентдан ошириб пахта тайёрланди.

Мамарайим Абдурахмонов бошлиқ 15-бригада аъзолари колхозда биринчи бўлиб маррани эгалладилар. Топтемир Акбаров, Назиркул Толипов, Насриддин Тоғайбоев, Деҳқон Гулматов бошлиқ бригада аъзолари бу йил колхоз бўйича пешқадамлик қилдилар. Т. Акбаров, ва Н. Толипов бошлиқ бригада аъзолари 100—120 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан олинандан ҳосили 8—9

центнерга ошириб ҳосилдорлиқда биринчи ўринга чиқдилар. Пахта йилгитеримиде намунали меҳнат қилган Рисолат Шарипова, Меҳри Эризаарова, Норпошша Насриддинова ва бошқа чевар теримчиларнинг номини айтиб ўтиш лозим. Бу чевар теримчиларнинг ҳар бири мавсумда хирмонга 5—6 тоннадан пахта териб тўқидилар.

Колхозимиз бўйича шу йилнинг ўзига ҳар гектар ердан олинандиган ҳосили 6 центнерга оширилди, пландан ташқари давлатга 1000 тонна пахта сотишда ва ҳосилнинг асосий қисминини машиналар билан териб олишга эришилди колхоз коммунистларининг роли айниқса катта бўлди. Йил бошида масъулиятли устаслардан ишлайдиган кадрлар махсус танланиб, жой-жойига қўйилди. Бу ҳодима-ларнинг ҳаммаси масъулиятни чуқур ҳис қилдиган, ишбилармон инсанлар эди. Ана шу тўғайли биз райо我们有 билимдор кадрлари пахта йилгитеримини планини ва

мажбуриятимизни ошириб бажардик. Колхозимизда пахтачилликдан ташқари бошқа тармоқларга ҳам бу йил катта эълбор берилди ва яхши натижаларга эришилди. Ўшпанга топишриладиган ҳар беш қорамолнинг тирик вазни ўрта ҳисобда 426 килограммга етказиб давлатга сотилди. Бу албатта колхозга анча фойда келтирди. 1600 центнер ўринга 2070 центнер сут топишриб, октябр ойи ичидаёқ йиллик сут сотиш планини 129 процент бажардик. Пилла, тухум ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари сотиш плани ҳам анча ошириб бажарилди.

105 гектар ерга дон учун экилган макмажхўрининг 25 гектаридан 52,5 центнердан дон, 70 гектардан 2530 тонна силос босирилди. Умуман, бошқа дағал хашақлар билан қўшиб ҳисоблаганда бу йил жамоат қорвачилиги учун 2 йилга тўлиқ етатидан емо-хашақ жамғариб қўйилди. Бу ал-

батта чорва молларининг қишдан яхши қишқиниши ва мўл-кўл чорва маҳсулотлари етиштирилиши таъмин этади.

Бизнинг Муротали қишлоғимиз йил сайин ободонлашиб, қўрқамлашиб борапти. Ҳозир қишлоқ тўлиқ водопровод суви билан таъминланди. Шу йилнинг ўзига 250 ўринли болалар богчаси, 550 ўринли 2 қаватли ўрта мактаб биноси қуриб, ишга туширилди. Бу ёруғ ва шинам биноларда колхоз аъзоларининг болалари тарбияланмоқда.

Колхознинг барча бригадаларида дала шийпоилари намунали экилланган. Айниқса, 5, 10 ва 12-бригадаларда 2 қаватли дала шийпоилари қурилган. Бу ерда колхозчилар ёзда яхши ҳордиқ чинадириб, маданий дала оладири.

Биз бундан кейин ҳам механизацияни кенг қўлланиб, ҳар гектар ердан олинандиган пахта ва бошқа деҳқончилик ҳосилини ошириб, чорвачиликни ривожлантириб, хўжалигимизнинг иқтисодий жиҳатдан янада бақувватроқ, колхоз қишлоғининг янада обод ва қўрқам бўлиши учун ўз куч-қувватимизни аямай меҳнат қилмазим.

А. АБДУМУМИНОВ.
Пискент районидан Свердлов номли колхоз раиси.

ҚАНОТЛИ ЛОЧИНЛАР

Олимларнинг ҳисоб-китобига қараганда авиаторлар ёз бўйи ўз вақтида дори сепиб, хашақларни қириб турсалар учдан бир қисм ҳосил қўшилади, деган гап экан. Сергели авиаташкилотли командрининг ўринбосари И. Раскин биз билан суҳбатда гапни шундай бошлади.

— Республикаимизнинг улкан «оқ олтин» хирмонини кўз олдинга келтирар экансан, — дейди И. Раскин, — планини бажаришда, мажбуриятини ошғи билан адо этишда арирли ҳиссамиз борлигидан хурсанд бўламиз. Биз гўё униб чиқарган бошлабқ бирорта хашақот пайнал ораамасини учун ҳаракат қилмоқдамиз. Ҳосилга посбонлик қилиш бизга топишрилган экан, бутун билимимиз, куч-ғайратимизни аямаймиз.

«Оқ олтин» далаларини аниқласиз тасаввур қилиш қийин. Кўзги-шудгордан тортиб, ҳосилини йиғиб-териб олгунга

қадар само лочинлари деҳқоннинг энг яқин дўсти, йўлдоши. Кемагина турнақатор «Айлар келгуси йил ҳосилга таййоргарини кўриш учун кўкка кўтарилиб яна бешоён далалар томон учдилар.

Авиаторлар пахтакорларнинг мушкулунини осон қилишда айниқса мададкордилар. Х. Собиржонов, В. Рақчаев ўрқоқлар бошлиқ экипаж аъзолари аjoyиб меҳнат намуналарини кўрсатишди. Бу экипаж аъзолари бир мавсумда саккиз минг гектар пахтазорини дефолиация қилиб катта галабани қўлга киритишди. А. Хасанов, Х. Сирокиддинов, Ўрқоқлар бошлиқ экипаж аъзолари эса етти минг гектар ерда «зангори кема»ларга йўл очишди.

Сергели авиаташкилотли коллективи Сирдарё ва Тошкент областларининг 744 минг гектар пахтазорига ишлов беришда деҳқонлар мададкори бўлдилар. В. ПУЛТОВ.

ОҚ ДЕНГИЗ ЖАВОҲИРИ

ПАХТАЗОР СОНЕТЛАРИ

Пахтазорим сўнгсизлиги — бағрим кенглигидандир,
Ҳар тоясини кумушлиги — кўнглимнинг ёлғизлигидан.
Пулдат отин ўйнатишим — ишим ўнглигидандир,
Этатларнинг ойдинлиги — йўлимнинг оқлигидан.
Юлдуз мисоли чаманлиги — бахтим кулгандандир,
Осмон ўнар хирмонлари — кўксимнинг тоғлигидан.
Пахтазордай уйғонлиги — аҳдим бўлгандандир,
Чаноклардай жимайиши — кўнглимнинг қолғидан.
Кўш бўлиб нур сочшим — қалбим оташиндандир,
Обҳабас бахш этишим — меҳрим дарёлигидан.
Миллион-миллион тоналари — элим қардошлигидандир.
Олтидан тахт қўралигим — меҳрим гўлгидан.
Ризқ-рўзим бутунлиги — эркимнинг тенглигидан.
Хирмонимнинг юксаклиги — халқимнинг чўнглигидандир.

Ўзбекистон водийлари — поёни йўқ оқ денгиз,
Оқ денгизнинг тўқилари тошиб ётар қирғоқдан.
Қирғоқдаги хирмонлари — маёқдир кеча-кундуз,
Кеча-кундуз ёғду порлар кўни ўпган маёқдан.
Марваридини ўз қаърида пинҳон сақласа денгиз,
Оқ денгизнинг жавоҳири кулиб боқар чанокдан.
Денгиздан дур излаганлар баъзан йўқолса беиз,
Оқ денгизнинг гаввослари мамун она тупроқдан.
Гар денгиздан дур тополмай гаввослар қисса тамгини,
Оқ денгизнинг соҳиллари олтин ортар қаришга.
Ва денги парохалар порта қайтадек мамунга,
Оқ денгизнинг кемалари ошпади хирмонга.
Кўз кўёни ёғдусида жимирлайди оқ денгиз,
Гавҳар терган гаввосларини қалби каби пок денгиз!

Пахтазор қўйинга чўкмиш фараҳли бир тун
Этатлар оралаб эсар сарин шаббода.
Чаноклар жимайиб унга лаб очар беуп,
Лабидан нияддек шабнам гўёли бода.
Чаноклар лабига боқиб, яроқлар секин
Шивирлаб сирлашар терим завқини гўё,
Кўшдан қарз олган нурин ой сочар мамунга
Пахтазор оғушини айлаб кундуздай рўшно.
Юлдузлар суқ билан боқар арши-аълодан
Чаноклар жилвасини кўриб, тийар кузлари.
Пахтазор бир йилдан кутар субҳи сабодан
Кўёни кутгандай интиқ деҳқон қилари.
Чаноклар тириллаб бир-бир очилар хандон,
Субҳидан этгай ўзин инсонга эҳсон.

Барот БОЙҚОБИЛОВ.

ХИРМОНЛАР

Ошпоқ-ошпоқ хирмон бўлиб, юксалиб тагин
Ҳосил фаслин кўчаётир пахтакор халқини.
Тагин кутлуг пахтада ризқ-рўзн тайини —
Кўксин тоғ эл пойида, эй кўз фасли, қалқини!

Пахтазорда пахтаандай сочи оқарган
Онаюлар кечинида оқ пахтамох муҳрини.
Оқ пахта деб меҳнат билан кафти қаваргай
Деҳқонимнинг ҳаёлида оқ пахтамох умрини...

Елкасидан бир зум кўшай пахталик чанон,
Тулда, шому сахарларда су тутган суғини,
Ошпоқ тонлар сеҳрини тубо далага чошган
Хандон қиллар — теримчилар тошиб

Тўқ ҳосилга ташлашди муборак назар,
Бир ҳосили, миллионларини бўйлар
Залвари.

Ошпоқ-ошпоқ бодрашган чанокларда зар
Мовий — мовий «кема»ларнинг пойида барн.

Шиянделлар таширғига хумор пахталар,
Бункерларнинг оғушдан кўни кўзлайди,
Кўкни кучмоқ бўлган хирмон-хирмон
пахталар

Эгуликдан мангуликдан, бахтдан сўзлайди... ОТАЕР.



ОНА ЮРТ

Она юрт донлар ошар ҳар кун,
Ишда унл-қиллар доворак, чечан.
Машина яратар, ижод кун-тун,
Олилар тоналлаб бағридан маъдан.
Далада муъжиза «зангори» кема,
«Оқ олтин» тоғ уяр ҳар аҳлавои.

Ечилар ҳар қандай бўлса муаммо,
Жаҳонга машҳурдир инанк алвони.
Дехонга мададор, кут ва барака,
Дондор қиз қўлида «қўқ тулпор»
рули.

Толмасин ишнинг забардаст қўли.
Дур терар минг дехон қўли сингари,
Ном қўйган ҳалқимиз «Кема зангори»
Б. АБДУРАИМОВ.
Янгийл.

СИЗ кўриб турган бу ажиб
манзарани фотомухбиримиз А.
Абалин областимизда терим айни
қиёгин қуиларда плёнкага ту-
ширган. Суратда: пахта қизил
карвони йўлда.

Райхон

(Қўшиқ)

Кимгадир ёқар дола,
Ким атиргул шайдоси.
Мен учун райхон аёло,
Райхоннинг йўқ баҳоси.
Райхон ариқ бўйида
Усади ҳумор-хумор,
Ергинами шу жойда
Кутаман бедор-бедор.
Келса ёрим, қўлига
Даста райхон тутаман,
Райхон ҳили қўлига
Олиб кирсин бир чаман,
Қўларим ҳамон йўлда,
Қўринмас ёрим ҳамон,
Умид билан шамолда
Тебранар бир туп райхон,
Қўринмас ёрим ҳамон.

ОДАМ ТУҒИЛДИ

Чамадону портфель олмадим,
Қор қалаб тошдими мен йўлга.
Шундай қилган боболар қадим,
Шундай кезган ўлкама-ўлка.
Етти қадам босдим ажаб,
Тантанга келдим рубару,
Халқ дер: кесгин етти бор
ўлчаб,
Еттиларда ажиб бир обрў.
Бир қўшимнинг оиласида
Туғилди еттинчи фарзанд.
Чилдирмакан доирасида
Чақалоқни улуглар баланд.
Карнай, сурнай қўлида
Шўх-шўх,
Рақоснинг бели камалда,
Қишлоқни тез қоплади қўшиқ,
Янги нисон шарафиде, дедик.
Эл истайди: йилда туғилган
Гўдак шодлик кўрсин илк марта.
Сурнайларнинг овози билан
Қўларини очсин у катта.

Юсуф ШОМАНСУР.

Реклама

ВА Эълонлар

ТВ

БИРИНЧИ ПРОГРАММА 12.30 —
МОСКВА. 18.30 — ТОШКЕНТ. 18.40 —
Телевизион кўпирок театри.
19.15 — Ахборот. 19.30 — «Соци-
лизм дуниси (Москва). 19.55 —
Оламга саяхат. 20.50 — Ахборот.
21.10 — Тележурнал. 21.20 — Лирик
концерт. 22.00 — «Вақт». 22.30 —
«ТАЪЗИМ», ИККИНЧИ ПРОГРАМ-
МА. 11.00 — ТОШКЕНТ. 11.30. Ўқу-
курсути. 18.30 — МОСКВА. 19.00
«Объектив». 19.30 — «Ештик» сту-
дияси кўрсатади (Тошкент). 19.55
— Тоғнинг туши (бадний фильм).
21.30 — Ҳунаратли фильм. 22.10
— ТОШКЕНТ. Врат маслахати. 22.10
— Ҳунаратли фильм. 22.30 — МОСК-
ВА. УЧИНЧИ ПРОГРАММА. 19.00 —
Тошкент айтишлари. 19.15 —
Ҳунаратли фильм. 19.30 — Ўқу-
курсути. 20.00 — Беш йиллик
маршрутлари бўйлаб. 20.30 —
Қисқа кундаги йироқ йўл (бадний
фильм).

ТЕАТР

НАВОНИ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВ-
ЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА
— 22/Х да Риголетто.
ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ
АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА —
21/Х да Абу Райхон Беруний,
22/Х да Тарих тилга кирди.
МУҚИМНИ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВ-
ЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА —
21/Х да Фарғона тоғ отқучи,
22/Х Умарлар, 23/Х да Қонили
туй.

ЎЗБЕК ДАВЛАТ «ЕШ ГВАРДИЯ»
ДРАМА ТЕАТРИДА — 21/Х да
Ташиниларнинг омади, 22/Х да
Бил кунлик нўв, 23/Х да Трибу-
нал.

КИНО

Кум қарьери генераллари —
САНАТ САРОНИ. «ЎЗБЕКИСТОН
25 ЙИЛЛИГИ». «ТОШКЕНТ СОВЕ-
ТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ» (қундуз ва
кечкуруи).
Привалов миллионлари —
«ЎЗБЕКИСТОН», С. РАҲИМОВ ном-
ли (қундуз ва кечкуруи). «СПУТ-
НИК» (кечкуруи). «МОСКВА»
(17.30). «ДРУЖБА» (11.00, 14.15,
17.15, 20.15).

Жавоҳир маликасига ҳужум —
«МОСКВА» (қундуз ва кечкуруи).
«ДРУЖБА» (куфт соатларда).
«СПУТНИК» (қундуз).
Озолик — нақард нашъали
суз — ҲАМЗА номли. «ВОСТОК»
(қундуз ва кечкуруи).
Бонсиз «чавандоз» — «КОМСО-
МОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (тоқ соатлар-
да).

Булутлар ортда осмон —
«МР» (қундуз ва кечкуруи).

«Ухладотормонтан»
трести
ТОШКЕНТ ИСТИСЛАШТИ.
РИЛАН РЕМОНТ-МОНТАЖ
БОШҚАРМАСИ
қуйидаги мутахассисликлар
бўйича

КУРСЛАРГА
ЎҚУВЧИЛАР
ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

савдо ва умумий оқватла-
ниш корхоналарининг соу-
тиш, электр иситиш ва меха-
ник ускуналари.

Тошкент шаҳрида пропис-
ка бўлган 22 ва ундан катта
бўшдаги электрлик, ичидан ён-
дигателларни тузатувчи се-
сарь (майдон 3 разрядли) лар.
Гина қабул қилинади.

ЎҚИШ МУДДАТИ — 4 ОЙ.
Ўқушнинг учун адваст: Тош-
кент шаҳар. Грамафоники
нўчаси, 40-й, телефонлар:
662137; 660365.

«Главашнестрой» транспорт
бошқармасига
12-АВТОБАЗАСИГА
1970—1971 йилларда ишлаб
чиқарилган «Краз-самосвал»,
«МАЗ-503», «ММЗ-555» мар-
касли автомобилларга I, II, III
класси шофёрлари

К Е Р А К
Меҳнат ҳақи — ишбай.
Елғиз кишилар ва кичик ои-
лалилар ётоқхона билан таъ-
минланадилар.

11-«Висотстрой»
1.ҚУРИЛИШ ТРЕСТИНИНГ
ҚУРИЛИШ БОШҚАРМАСИГА
ғишт терувчилар, бетончи-
лар, пайвандчилар, арматур-
чилар, дурадорлар, ерданчи
ишчилар

К Е Р А К
Меҳнат ҳақи — ишбай-му.
иофотли.
Қурилиш насбига эга бўлма-
ганлар «Главашнестрой»
нинг ўқуш комбинатига ўқити-
ладилар.

Елғиз кишилар ётоқхона би-
лан таъминланадилар.
Тошкент шаҳар. Пролетар
кўчаси, 4-уй — Аҳолини иш-
га жойлаштириш ва информа-
ция бюроси, ҳамда район ик-
рония комитетлари ҳузуридаги
инспекторларга учрашсин.

Тошкент область қишлоқ хў-
жалик бошқармаси ва Тош-
кент область ветеринария хиз-
мати коллективлари область
бошқармасининг ветеринария
бошлиғи

Муҳтор Мақсудович
ҲОШИМОВНИНГ
вафот этганлигини ҳуқуқ қай-
ғу билан билдиришлар ва мар-
ҳумининг оиласига таъзия на-
ҳор қиладилар.

Индекс 64634.
В. 1867

Р. 03845

ДУНЁ ХАБАРЛАРИ

ДУСТ ҲИНДИСТОН Л. И. БРЕЖНЕВНИ САМИМИЙ КУТИБ ОЛАДИ

ДЕХЛИ. 19 ноябрь. (ТАСС мухбири). Бугун Деҳлида тантанали вазиятда Совет Иттифоқида келадиган юксак мартабали меҳмон — КПСС Марказий Комитети Бош секретари Л. И. Брежневни қутиб оlishга тайёргарлик кўрувчи умуммиллий ташкилий комитетининг биринчи мажлиси бўлиб ўтди. Ҳиндистон миллий конгресс ҳужумрон партиясининг раиси доктор Ш. Д. Шарма бошчилик қилган ана шу муқтабар орган составига шу партиянинг Бош секретари Ч. Ядав, турли штатларнинг бош министрлари, Ҳиндистон компартияси миллий кенгашининг бош секретари Рагешвар Рао, умумҳиндистон кассабо соювлари конгрессининг секретари Ш. А. Данге, демократик ташкилотларнинг раҳбарлари, парламент аъзолари,

тараққиётпарвар ёшлар ва студентлар союзларининг раҳбарлари кирди.

Ш. Д. Шарма ТАСС мухбири билан суҳбатда бундай деди: Совет Иттифоқининг атоқли раҳбари Л. И. Брежневнинг Ҳиндистонга қилдиган визити Ҳиндистон—Совет ҳамкорлиги соҳасида янги уфқларни очиб беради, деб умид билдираман. Биз Совет Иттифоқидан келадиган меҳмонни самимий қутиб оламиз ва КПСС Марказий Комитети Бош секретарининг Ҳиндистон Бош министри Индира Ганди билан ва Ҳиндистоннинг бошқа раҳбарлари билан олиб борадиган музокараларни халқаро ҳамияҳватлик ва яхши ният ишига, бутун дунёда тинчлик ишига хизмат қилишига амин-миз.

СОВЕТ ДЕЛЕГАЦИЯСИ ЭРОНДА

ТЕХРОН. 19 ноябрь. (ТАСС). Эрон шоҳи Муҳаммад Ризо Нахлавий Исфаҳонда чет мамлакатлар билан дўстлик ва маданий алоқа қўлуви совет жамиятлари союзининг делегациясини қабул қилди. Делегацияга Эрон билан маданий алоқа қўлуви Совет жамияти правленесининг раиси, СССР Фанлар академиясининг мухбир аъзоси Е. М. Сергеев бошчилик қилмоқда. Делегация СССР билан маданий алоқа қўлуви Эрон жамияти правленесининг

таклифига биноан шу ташкилотнинг 30 йиллик юбилейи муносабати билан Эронда меҳмон бўлиб турибди.

Эрон шоҳи Совет делегациясини билан суҳбатда ҳар иккала мамлакат ўртасида маданий соҳадаги ҳамкорлигини ривожлантириш ишида каттагина тараққиётга эришилганлигини таъкидлади. Эрон давлатининг бошлиғи бу ҳамкорлик бундан буюн ҳам муваффақиятли ривожланаверади, деб ишонч билдирди.

БИРОДАРЛАШГАН ШАҲАРЛАР ВАКИЛЛАРИНИНГ БИРИНЧИ УЧРАШУВИ

МАРСЕЛЬ. 19 ноябрь. (ТАСС махсус мухбири). Бу ерда Франция ва Совет Иттифоқидан биродарлашган шаҳарлар вакиллари биринчи учрашуви бўлиб ўтди. «СССР — Франция» ва «Франция — СССР» жамиятларининг ташаббуси билан уюштирилган ана ҳар икки мамлакатнинг 70 шаҳридан келган вакиллар биродарлашган шаҳарлар ўртасидаги муносабатларнинг аҳволи ва бу муносабатларни ривожлантириш истиқболларини муҳокама қилдилар, шу муносабатларни янада кенгайтириш ва кучайтириш йўллари белгиладилар.

Учрашув қатнашчилари якуловий мажлисда ахборот қабул қилдилар. Бу ахборотда «Совет Иттифоқи ва Франциядаги шаҳарлар ўртасидаги алоқаларни бундан буюн ҳам ривожлантириш зарурлиги ва бу билан ҳар икки мамлакат ўртасидаги дўстона муносабатларни мустаҳкамлашга, Европада ҳамкорлигини ва хавфсизлигини мустаҳкамлаш учун, бутун дунёда тинчлик учун олиб борилаётган курашда биродарлашган шаҳарларнинг иштирокини кенгайтиришга қўмаклашиш зарурлиги» таъкидланди.

КОСМОНАВТЛАР «СКАЙЛЭВ» ДА ЖОЙЛАШИВ ОЛИШДИ

НЬЮ-ЙОРК. 19 ноябрь. (ТАСС). «Скайлэв» орбитал станциясининг космонавтлар Карр, Гибсон ва Поугдан иборат составдаги учинчи экипажи учинчи программасини бажаришга киришмоқда. Космонавтлар медицина экспериментларини бошлаб юборишди. Космонавт Гибсон ўзидан ҳамкорларидан қон олди.

Станция биносидан ишлар графикдагидан бирмунча орада бормоқда. Экипаж аъзоларидан бирон кишида ҳам космосда учини тажрибаси йўқлиги ўзини кўрсатмоқда.

Ҳаммаларининг боши салпал оғрияди. Унинг раҳбарларининг айтишларича, ҳамма

космонавтлар дастлабки учини кунларида шундай ҳолга дучор бўлади. Шу муносабат билан Когоутек кометасини 19 ноябрьга мўлжалланган биринчи кузатишлар 24 ноябргача кечиктирилди.

Ҳозир космонавтлар станция бўлмаларида ҳордиқ чиқаришмоқда. Ҳолбуки, кема билан станция туташтирилган, биринчи тунни улар «Аппалон» кемасида ўтказган эдилар. Иккинчи экипаж космонавтлари ердан старт олган, станция ичига ҳаддан ташқари тез ўтганликларидан тўтма касаллик аломатлари юз берганди. Учинчи экипажда шундай бўлмаслиги учун биринчи тун улар кемадан кўчиб ўтишмади.

„СОЮЗ“—„АПОЛЛОН“НИНГ БИРИНЧИ ИШ КУНИ

«Союз»—«Аполлон» программаси бўйича келажакда биргаликда ўтказиладиган эксперимент қатнашчилари — Совет космонавтлари билан Америка астронавтлари бугун Москвадаги биринчи бор қўл қўшиб қўришди. Бу учрашув 19 ноябрь кунги 10. А. Гагарин номли космонавтлар тайёргарлик марказида бўлиб ўтди. Бу ерда меҳмонлар иш билан 10 кун ўтказишди.

Космонавтлар шаҳарасида марказ раҳбарлари, СССРнинг космонавт учувчилари Г. Т. Береговой, А. Г. Николаев, биргаликда учинчи тайёргарлик кўриш раҳбари СССРнинг космонавт учувчиси В. Ф. Биковский, совет экипажларининг аъзолари — СССРнинг космонавт учувчилари А. А. Яковлев, В. Н. Кубасов, А. В. Филиппенко, Н. Н. Рукавишников, космонавтлар В. А. Жоников, Б. Д. Андреев, Ю. В. Ромо-ненко, А. С. Иванченко, мутахассислар «Аполлон» кемаси экипажи аъзоларини самимий таъриқладилар.

Авиация генерал-майори, СССРнинг космонавт учувчиси В. А. Шаталов Совет Иттифоқи ва Америка космонавтлари ва мутахассислари билан СССР ва АҚШ матбуоти вакиллари учрашувини очиб, Москвага

келган астронавтлар Т. Стаффорд, Д. Слейтон, В. Брандт, А. Бин, Р. Эванс, Д. Ўлсманни таништирди.

У учрашувда иштирок этганларнинг «Скайлэв» станцияси иккинчи экипажи аъзоларининг учинчи муваффақиятли тугатилиши билан таъриқлади.

Учинчи кета самолта кўтаришган Америка астронавтлари учинчи экипажга оқ йўл тилади.

1975 йил космосда ўтказишга мўлжалланган Совет—Америка қўшма экспериментига тайёргарлик планига мувофиқ шу йил ёзда Американинг Ҳьюстондаги учувчи бошқарилган учинчи марказига бир гуруҳа Совет космонавтлари ва мутахассислари бориб келди, деб давом қилди В. А. Шаталов. У америкалик ҳамкасблар билан космонавтлар шаҳарчасидаги иш программаси улар «Союз» кемасини, кеманинг асосий системаларини ўрганиб чиқишларини, шунингдек экипажларини учинчи тайёргарликда иштирокчиларнинг кўзда тутишини маълум қилди.

Генерал Совет ва Америка экипажларининг биргаликда машқ ўтказишлари ушбу программага кириштирилган, деди. Экипажлар келаси йилнинг ёзида шу иш билан шугулланадилар.

ПАРИЖ. 19 ноябрь. (ТАСС). Промпендан олинган хабарларга кўра, Промпень режимига қарашли ҳарбий самолёт бугун ушбу режимнинг раҳбари — Лон-Нол саройини бомбардимон қилган. Бомбардимондан сўнг саройга олиб борувчи ҳам-

ЛОН-НОЛ САРОЙИ БОМБАРДИМОН ҚИЛИНДИ

ма кўчаларини қўшинлар ва полиция тўсиб олган.

Промпендаги маъмурлар вакили бомбардимон натижасида,

3 киши ўлганлиги ва 10 киши жароҳатланганлигини, Лон-Нол эса бешикаст қолганлигини маълум қилган.

ЯНГИ ЭЛЕКТР СТАНЦИЯ

АДДС-АБЕБА. 19 ноябрь. (ТАСС). Эфиопияда Финчаа дарёсида қурилган мамлакатда энг катта гидро электр станция ишга туширилди. Гидро

электр станция ҳар йили 532 миллион киловатт-соат электр энергия беради.

Янги ГЭСнинг очилиш маросимида нутқ сўзлаган император

Хайли Селассие I мамлакат электр энергетика саноатининг тўхтовсиз ривожланишини ҳамда электрлаштириш миқдорларининг кенгайишини таъкидлади. У мамлакатдаги барча 14 вилоятни ягона энергетика системасига бириштириш зарурлигини ўқтирди.



ДЕХЛИ кундан-кун чирой очиб бораёпти. Суратда: шаҳар марказининг кўриниши.

В. Соболев фотоси. (ТАСС фотохроникаси).

Редактор А. ИСМОИЛОВ

Бўйнинг
Адрес: Тошкент, Памил Восток кўчаси, 26-уй

РЕДАКЦИЯ ТЕЛЕФОНЛАРИ: Редактор — Б36495. Редактор ўринбосарлари — Б35895, Б37916. Махсус секретарь — Б34808. Пропганда, адабият ва санъат бўлимлари — Б31936. Санъат, транспорт ва қурилиш бўлими — Б33786. Партия турмуши, ахборот ва спорт бўлимлари — Б35811. Қиш-

лоқ хўжалиги, фан мактаб ва олий ўқув юрлари бўлимлари — Б39050. Совет қурилиши маиниш хизмат ва шаҳар хўжалиги бўлими — Б37045. Каттар ва оммавий ишлар бўлими — Б34048. Ўйлонлар бўлими — Б38142. Коммуторатор — Б30249 дан Б30258 гача.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриятининг бошқармаси, Тошкент шаҳри.

Индекс 64634.

В. 1867

Р. 03845